



Гулжа ва Или ўлкаси ҳақида мушоҳадалар



Энди золимлардан кочган кунларимизда биз учун вақтлик бўлса ҳам бошпана ҳукмида бўлган Гулжа шаҳри Или ўлкаси устида оз-кўп тарихий маълумот бериб ўтишни лойик топдим.

Шу кунги ҳамма ёкка оти чиккан Гулжа шахрининг биринчи ибноси у ерларни Хитой хонлиги - манжулар(Х-ХIV асрларда ва 1644-1911 йй. Хитойда ҳокимият тепасида бўлган уришкок манжурияли кабилалардан чиккан сулола; Шимоли-шаркий Хитойда яшовчи мўнгул асли халк.) босиб олиш давридан бошламишдур. Бундан илгари Чингиз чиқишидан тахминан юз йилча аввал Хитойда инкилоб килиб кўзголон кўтарганлар маглубиятга учраган сўнгида Кухон деган бошчилари ўзига тобун кишилари билан тўгри гарбга караб чекинмиш эди. Или ўлкасига келгач, бу ернинг суви мўл, хавоси келишган, атрофи кенглиги билан яна Марказий Хитой - Ўрта Осиё улуг йўли устига тушганликдан хар томонлама унинг аҳамиятига тушуниб, шу ерда Илихў шахрини қуришга киришди. Сўнгра Амударё бўйидан бошлаб, Гарбий, Шаркий Туркистон, Фаргона мамлакатларини кўлга келтиргач, Ўрта Осиёга подшо бўлиб, бу ерларда саксон неча йил салтанат сурмишдир. Бунинг давлати завол топиб, Илихў, Боласогун ша-харларининг хароб бўлиши воқеалари эса бу китоб бошида ёзилган эди. Шунинг учун бу ўринда қайтаришни лозим топмадим. Кухон давлати завол топиб, тахминан кирк неча йил ўтган сўнгида бутун дунёни титратган Чингиз дахшати бошланиб, жахон чопули натижасида олган мамлакатларини тўрт ўглига бўлиб таксим килмиш экан. Ҳозирги Ўзбекистонни Шаркий Туркистон билан ўртанча ўгли Чигатой баҳодирга бермишдир. Илгариги Туркистон одати бўйича Чигатой баҳодир салтанат тахтига биринчи чиқишида Қорахонийлар пойтахти Тироз (ҳозирги Жамбул) шаҳрида ўлтирган бўлса ҳам, бу ердан Или ўлкасига кўчиб, шу кунги Гулжа шаҳридан саксон чакирим Кўргос мазор деб аталган Олмалик шахрини

пойтахт килмишдир. Мана шу кундан бошлаб Олмалик шаҳри Чигатой хонларига пойтахт бўлиб келди. Бу оила ҳукмдорларининг икки сўнгиси ва ҳам Темур султоннинг кайнотаси Туглук Темурхон вафот топгач, уни шу ерга қўмдилар. Лекин бу кунларда Олмалик деган эски оти унутилиб Кўргос мазор дсб аталмишдир. 1945 йили топилган олтин-кумуш танта акчалардан араб ҳарфи билан “Зарби Олмалик” деб ёзилган сўзларни ўзим ўқимиш эдим. Етти юз олтимиш иккинчи ҳижрийда (милодий 1360 йилда) Чингизийлардан Олмаликдаги Туглук Темурхон бутун Турон-Туркистон ўлкасини ўзига тобун килган сўнгиди ўгли Илёсхўжани уларга хон, Темур султонни унга вазир белгилаб, ўзи эса пойтахти Олмаликка кайтмиш эди. Шаҳар ноз-неъматларини тотишмаган, маданият турмушларидан янгигина баҳра олган хонлари бошлик Жета191 амирлари бирданига Турон каби жаннат мисоллик жойларга эга бўлганликларидан ҳар томонлама маишатга берилиб, ўзларини тўғри тутолмадилар. Бунинг устига хон бўлмиш Илёсхўжа бир мамлакатни бошқара билгудек ақл-сиёсати бор, ишга ярамлик киши эмас эди. Хайикарли хонлари унга қўшилиб ёрдамчилари бўлгач, унга суянишиб кишиайтишга жирканарлик зулм-хиёнатларни қилишга киришдилар. Бирок улуг хон томонидан вазирлик мансаби берилган султон Темур ёшлигидан тортиб диёнатпарвар, адолатсевар бўлгани учун каттиққўллик билан уларни бу зулмларидан кайтаришга турди. Темур султон инсониятпарварлик билан килган бу ишига у аҳмок золимлар чидаёлмай, унинг устидан йўк тухматлар қилишиб: - Темурнинг бизга бўйсунгуси келмайди, у ўзи хон бўлгуси бор, бутун мамлакат халқи уни яхши қўриб ёқлайдилар. Улуг хон, кичик хон ёрликларини қўзига илмас бўлиб, қўпишларда бизгатаўскинлик қилганлигиданишимиз олга босмайдиган бўлди, - дейишиб, шунга ўхшаш хоннинг газабини қўзғайдиган сўзлар ёзилган ҳолда Олмаликка ариза туширмиш эдилар. Туглук Темурхон ўзи шарқдаги чингизий хонлари ичида биринчи бўлиб Ислонни қабул қилган диндор, ақллик киши эди. Шундай бўлса ҳам Ўрта Осиё хонлигини қўлдан чиқармаслик учун ақлга қарши 191XIV асрда иккига бўлинган Чигатой улусининг шимоли-шарқий қисми бўлиб, Еттисун, Чу водийларини ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган, Мўғулистон деб ҳам аталган. ўларок Темур султоннинг ўлимига буйруқ юбормишдир. Бу нома янгида иш бошлаган Темур султон қўлига тушиб қолмишдир. Бунинг устига вахшиёна қилинаётган мўғуллар зулмига чидаёлмай бутун Самарқанд, Бухоро, Фарғона уламо-машойихлари “Агар бизларни Тарагай баходир ўғли Темур мангулар уштулумларидан (Зулм, зўравонлик (чиг. туркча).) қутқара олар экан, биз унинг бошига тож қўндириб олтин тахтга миндирган ҳолда ўзимизга шаръий подшоҳ қилдик”, деган бутун халқ номидан шаръий фатво чиқариб, Темур султонга топширмиш эдилар.

Бунга қўра бу жаҳон қаҳрамони, буткул турк улусининг фахрланарлик султони Куръондаги “Оллоҳга ва унинг пайгамбари Муҳаммадга ва ҳам ўзинглардан бўлган подшоҳларга итоат қилинглар”(Нисо сураси, 59-оят мазмунича.) деган Оллоҳ ҳукмича Туркистон ва бошқа бўйсунган мамлакатларга ҳақиқий шаръий ва қонуний подшоҳ эканлиги шаксиз-шубҳасиздир.

Тарихий буюк воқеалари орқалик бу қаҳрамоннинг оламга атоғи чиқиб, бутун дунё халқи тилларида дoston бўлгондур. Ёзган “Темур тузуклари” ва бошқа қонунома асарлар эса бу қаҳрамоннинг қандайин улуг дохий эканлиги учун энг қучлик гувоҳдardир. Шундай бўлгач, қайси бир қишилиги йўқ, ўз шарафини билмаган олчок одамлар, асл гавҳарни қора тошдан ажрата олмаган маданият ташландикдари, инсофсиз, ёлгончи, ялоқилар ўзларининг ифлос таъна тилларини бу қаҳрамонга теккизиб, унга нима зиён етқиза оладилар?

Байт:

Каркунок, йўк дер экан ёгду куёшнинг нурини,
Канча кўп айтганларидан нури кам бўлмас куёш.
Кўрлар бозорида йўкдир сўровчи сурмани,
Дарди йўклардин топилмас кўзларидан томчи ёш.
Аслида жавхар кўран эмас экандур хар киши,
Кайда билгай фаркини гавхармидур ё кора тош?
Илму хикмат дурларини сочма нокас олдида,
Кирма ул мажлисгаким, ифлос оёклар бўлса бош.
Гул хиди сассик эмиш ўсрак кўнгизлар бурнига,
Сўзи сассикдан йирок гор, хох каридур, хохи ёш.
Узма Соғуний умидинг, еткизур Тангринг сенинг,
Таркалур олам аро бир кун хакикат бўлса фош.

Илгари-кейин менинг бу китобимда, ўқувчиларга маълум бўлгайки, Темур султонни ёклаб юкориги сўзларни ёзишимнинг сабаби шулки, жахонгирлар бошлиги кахрамон Темур султон ўттиз олти йиллик салтанат даврида кискача бўлса ҳам ўз таржима холини ёзмиш экан. Унга кўшимча қилиб давлат тутиш тартиблари, аскарий ёсол интизомлари баёнида конунлар тўплами ёзиб, уни “Темур тузуклари” деб атамишдур. Темур томонидан ёзилган бу асар аслида ўз тили туркча ёзилган бўлса ҳам сўнгги Бобир авлоди замоналарида форсчага таржима бўлмишдир. Бу олтин китоб ўз замонасига кўра сиёсий, харбии ёсоллар конунномаси бўлганликдан Темур шахзодалари буни кизганишиб, яширин сакламиш эдилар. Тахт талашган шайбонийлар темурийларни енггандан кейин Мирза Бобир подшоликдан ажраб хазиналарини ташлаб қочган бўлса ҳам, раҳматлар бўлсин, бу китобни душман кўлига қолдирмай олиб кетмиш экан-дир. Бирок Хиндистонда узун йиллар давлат қутган унинг набиралари турк тилини унутиб, мажбурий равишда урду, форсий тиллик бўлганлари учун боболари Темур султон асари “Темур тузуклари”дан фойдаланмай қолмиш эдилар. Шунга кўра бу китобни у авлоддан қайси бирови экан(Бу зот бобурий подшоҳлардан Шох Жахон (1628-1657) эканлиги манбаларда билдирилмоқда.) форсча таржима қилишга буюрмиш эди.

Бу гавхар китоб илк вақтда яширин сакланиб, сўнгги кунларда форсча бўлиб қолгани учун шу кунларгача ўз улуси, ўз меросхўрлари ундан фойдаланиш буён турсин, балки Темурнинг бундай китоб ёзганлигини баъзи хақиқий тарихчилардан бошқа ҳеч ким билмаган эди. Мана шундан фойдаланган душманлар ва ҳам уларнинг ялоқчилари бу жахон кахрамони хақида ҳар турлик ақлдан ташқари ноҳақ тухмат сўзлар ёзиб, матбуот орқали бутун халқ ичига тарқатмиш эдилар. Ўз тарихини танимаганликдан буларга қўшилганлар, ўз шарафини билмаган олимсифат ерлик аҳмоқлар ҳам оз эмас эди. Шунга кўра “Темур тузуклари” номлик бу кахрамон асарини қўлга келтириб, 1962 йили форсчадан ўз тили туркчага таржима қилдим. 1967 йили Ўзбекистонда янгидан чиқаётган “Гулистон” журналида босилиб, бутун Ўзбекистон халқига тарқатилгач, ўз тарихига тушунмаган Тожикистон олимлари аталмиш кишилар томонидан таржима устида ва ҳам Темур султон хақида ноҳақ хужумлар бошланган эди. Унга қарши биз ҳам суякка санчилгудек ақлий ва нақлий далиллар билан жавоб қайтариб, ҳаммани қаноатлантирган сўнгидагина уларнинг эшаклари лойга ботиб, ўзлари таслим бўлдилар. Ўша ботган бўйларича ўзларини қутқара олмай талваса қилаётган чоғларида шу ёзаётган “Туркистон қайғуси” тарихий воқеаси Темур устига етгач, у одобсизларнинг

ахлокона сўзларини эскариб, ўқувчиларни шубҳадан чиқариш учун бу ўринда ёздим. Тарих ёзувчилар яхши-ёмон, бўлган-ўтган воқеаларни бўлганича, борица хақиқати билан ёзиб қолдиришлари аларнинг ўз вазифалари бўлганликдан бу ҳам фойдасиз бўлмаса керак.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундай бўлиб Темурнинг улуг химмати, анинг чекинмас чидаи орқалик бутун Туркистон мусулмонлари мўғуллар зулмидан қутулган бўлсалар ҳам, иккинчи бу томонлардан умидлари узилиш учун қочганлар орқасидан тақамиш қилиб қувлагани турди. Қоракўл, Қарқара йўллари билан Текасга тушди. Бу ердан қувлаганича Оксу, Қўксу, Оғёз ошувларини ошиб мўғуллар орқасидан юриб ўлтириб, Юлдуз яйловига етиб тўхтади. Қараса, Илёсхўжа аскарлари бу ерда ҳам туриша олмасдан туш-тушга тарқалиб қочмиш эдилар. Буни англагач, набираси Мирзо Улугбек қўмондасида ўн минг аскар юбориб, Олтой томонга қочган Илёсхўжа ўғли Ўғлонхон ортидан қувгин қилди. Қочганлар эса тиниккан от минганлари учун қувловчиларга етқизмай Иртиш сувидан ўтиб кетдилар. Булар ортидан қолмай юривериш хатарлик бўлганликдан Мирзо Улугбек шу ердан қайтиб Юлдузга келди. Бу улуг яйловда эру қилиб қирк кун ўтказганларича қочган, писган мўғуллар ҳар томондан тўп-тўп бўлиб қелишиб, ўз одатларича бош қўйиб, тиз буқиб, барилари қуллук билдирдилар. Шу билан душмани енгилиб бутун ишлари ўз ўрнида бажарилиб қўнгли тинчигач, зафар байрогини қўтарганича шон-шавқат билан хон ўрдаси - Туглук Темурхон пойтахти Олмаликка қараб қайтди. Жаҳонгир Чингиз ўрдаси биринчи қурилишида шу қўнги Қизил Мўғулистон маркази ҳисобланган Улан Ботур яқинида Қорақурум деган жойда қурилмиш экандир. Сўнгра бу авлоддан қайси бирлари у ердан қўчириб, Гулжа ботишида ҳозирги Қўргос аталган Олмаликка қелтирмиш эди. Ўшал қўндан бошлаб Темур султон даврига қелгунча бутун Турон-Туркистон мамлакатларига марказ бўлиб, мўғул хонлари буйруқ ёрликларини от-улоқ қопарчилари орқалик шу ердан юбориб турдилар.

Ўтган хонлар уруг-аймоқлари, уларнинг энг сўнгиси Туглук Темурхон оиласи билан бутун давлат арбобларининг қочмай қолганлари шу ерда эдилар. Ҳазина дафина(Қўмилган мол-дунё, бойлик (арабча).), бутун асбоб-ускуналар, ўз вақтида Марказий Хитойдан қелтирилган оқ тош, қўқ тошлар қабил хитой, мўғул ҳоконларидан қолган тахттошлари, булардан бошқа бутун мамлакатлардан жаҳонгир Чингиз даврида ва ундан кейинларда ҳам талаб-тортиб қелтирилган турлиқ нарсаларнинг қолдиқлари шу Олмаликдаги хон саройи ҳазинасида тўпланмиш эди.

Темур султон душманларини тор-мор қилиб, қолибият байрогини қўққа қўтарган қолда шон-шараф билан Олмалик хон ўрдасига қелиб тушди. Бу ерга қелгач, биринчидан мўғуллар ичида ўз ўрнини қинғитиш, иккинчидан “Хонлар Чингиз авлодидан бўлади”, деган бутун турк улуслари олдида бузилмас қонун ҳукмини олган сўз қучини юмшатиш учун қиз ўлтирган Туглук Темурхоннинг бийқачини(Қиз фарзанд (мўнгулча).) шонлиқ тўй-томошалар ўтқазиб, ўз ниқоҳига олди. Унинг ўз ўрнида қилган шу тадбири билан мўғуллар душманлиқлари дўстликка айланиб, хон қизини олганиучун Темур султонни “қўрагон” деб атадиларки, мўғулча “қўёв” демақдир.

Шу билан узун йиллардан бери йиғилиб ётган Олмалик ҳазинасини йиғиштирган сўнгида янги хоним Турқон оғачани(Ойим (мўнгулча).) сеп-сидирга, зеб-зийнат билан пойтахт Самар-қандга олиб қайтмоқчи бўлдилар. Бутун дунёга атоғи қиккан жаҳонгир Чингизхоннинг туруни(Набира (қиг.турқча).), улуг ҳокон Туглук Темурхон қизи бўлгани учун мўғулларнинг расм-одати бўйича буюқ ҳашамат қўрсатмоқчи бўлдилар. Шундоқки, хонимнинг тароғи ва исирғасини олтин ўқакларга(Идиш (мўнгулча).) солишиб, ҳурмат

атоги чикариш учун ўрда сарой сокчиларидан хар бирини бир юздан икки юз калмок гезаклашиб кўтарган холда Самаркандга еткизмиш эди. Ўша кундан бошлаб тарок кўтарганлар “тарокчи”, исирга кўтарганлар “исиргали” деб аталиб колдилар. Шу кунларда ҳам Самарканд шахри атрофида исиргали, тарокчи номида икки уруг ўзбеклар яшамокдадир.

Яна Чингиз замонида устига тахт ўрнатилган, халк огзи-даги тарихий октош, кўктошларнинг хар бирини ўзига ло-йиклаб ясатган араваларга солдириб, уларни ҳам Самар-кандга келтирмиш эди.

Англашимизча, октош Самарканд Темур ўрдасида шу кунга довур сакланиб келган бўлса ҳам, кўктош эса Самар-канд руслар томонидан олингач, уни Темур султоннинг тахти ўрнида кўришиб, Петербург музейига юборилган эмиш. Хар кандай бўлар экан, Ўзбекистон музейларини зийнатлашга лойик тарихий эсдаликларимиз бўлганлик-дан, бошка ахамияти колмаган бўлса ҳам, ўз эгалари кўли-да бўлиши лозимдир.

Яна ўз сўзимизга кайтайлик. Гулжага келганимизда тушган кишимиз эса бизнинг бир юрт, бир махалла, кадр-дон огайнимиз бўлгани учун бу ердан бошка ёкка чикишга розилик беришмади. Буларнинг розилигига караб, ярим йилга якин шуларникида туриб колдим.

Карасам, Совет Русияси томонидан у ерга ҳам хар ёклама иктисодий тузоклар кўйилиб, хийла чукурлари хар кадамда тортилмиш экан. Дахрийлар давлати курилган кундан бошлаб мен Гулжага ўтган 1931 йилгача сиёсий томондан бутун халк чексиз огирчиликлар кечирган холда иктисодий томондан ҳам энг каттик кисимчилик кўрмокда эдилар. Шунга карамай, иктисодий борлик нарсаларни кўзбўёв килиб атрофга, айникса, Гулжага чикармиш экандир.

Энди бу ерда яшовчилар эса кўпчилиги уйгур мусулмонлари бўлиб, булардан бошка хитой, калмок, козок, шива, сулун, оз бўлса ҳам бу ёкдан борган ўзбек, ўрис, нўгой(Козон татарлари назарда тутилмокда.) кочоклари бор эди. Бу мусулмонлар ичида нўгойлар кўпчилиги диний томондан бор-йўк орасида бўлсалар ҳам, замонавий тушунчалик кишилари оз эмас эди. Колганлари эса, чеклик маълумот эгалари, уч-тўрт кишидан бошка барчаси, бошдан-оёк кора боткокка ботмиш эдилар. Айникса, шу ёкдан борган кўнгли кўр ўзбек бой савдогарлари хеч нарса кўрмагандай бўлишиб, парвоналар каби савдо олови атрофидан айланмокда эдилар. Шундоки, Ислон шариатида арак ичиш мусул-монларгакандай харомкилинган бўлса, ундан фойдаланиб тижорат кишилари ҳам катъиян харом килинмишдир. Гулжага келганимизда англамиш эдик. Советдан ўтган моллар ичида энг кўп фойда чикадиган нарса ичкилик экандир. Шунинг учун харомхўр бой савдогарлар бун кўрганда бошка молларга карамай, оз халолдан кўп харомни ортик кўришиб шунга киришганликдан кўпларининг килган тижоратлари харомга айланмиш эди. Охири “Алхабисату лил хабишийн”, (Нур сураси, 26-оятдан.) яъни “Палид - палидга” деган Куръон ояти мазмунича, узундан бери йигилиб келган харом моллар эса ўз лойиги харомхўрлар огзига тушиб тугади. Куръонда “Инналлоха ло югайиру мо бикавми хатто югайиру мо би анфусихим” (Рад сураси, 11-оят) дейилган, яъни “Бир миллат ўзларига юкланган Оллох хукмини ўзгартирмагунча уларга берган неъматини Оллох улардан олмайди”, демакдир. Кискаси, килма деганни килиб, кил деганни килмаганлар Оллох хукмини бузиб ўзгартирувчилардир.

Яна ўз сўзимизга келайли. Или ўлкаси Чингиздан илгари Кухон даврида кўп ободон бўлганлиги тарихлардан ва ҳам илгариги бузилган шахарлар харобаларидан кўриниб туради. Гулжа шахрида бир неча харобалар бордирким, эскидан колма хар турлик олтин

асбоблар, танга тиллалар кўп чикканликдан ерлик халк у ерларни “Олтинлик” деб атайдилар. Ёз кунлари бўлса хар ёкдан, айникса, ичкари Хитойдан келувчилар казишиб, бу ерлардан кўп нарсалар топиб олдилар. Бу орадан саксон неча йил ўтиб, Кухон давлати йикилиб, бу ерлар хароб бўлган сўнггида темурийлар даврига келгунча узун йиллар чингизийларга марказ - пойтахт бўлмиш эди. Бирок бу тахт эгалари Чингиз авлоди-биринчи хокон Чигатой баходир бошлик энг сўнгиси Туглук Темурхонга келгунча шу оиладан ўтган хоконлар бошқалари каби Ок сарой - Кўк сарой ясатиб унда тахт куриб ўлтирмасдан илгариги кўчманчи турклар одатича кигиздан ясалган ок ўрговларда ўрда куриб ўтмиш эдилар. Ёзги кун эсган чоғлари хашаматлик ок ўрдаларини Хонтангри тоғларининг кенг яйловларига кўчирган бўлсалар ҳам киш кунлари эса пойтахт Олмалик оддий уйларида кечиниш уларнинг одатлари эди. Шунинг учун Кўргосдаги Туглук, Темурхон кабри устида ясалган пештахтадан бошка, эскилик асарларидан кўзга кўрингудек нарса йўқдир. Гулжадан йигирма чакиримча жанубий кун чиқиш томондаги камишлик тўкай ичида айланаси ўн беш-йигирма гектар келгудек беш-олти ясама кўлларнинг ўрни кўриниб туради. Булар эса ўз даврида ўтган турк-мўғул хонлари томонларидан каздирилмиш экандир. Гоз-ўрдак каби турлик сунар(Сувда сузадигаи (чиг.туркча).) кушлари сувга тушганда кўл айлана чопишиб, хонлар замонларига кўра энг кизгин кўринган шумкор ови(Махсус ўрнатилган лочинлар гурухига кирувчи куш билан ки-линадиган ов.) ўтказар эканлар. Гулжада мархум Саидхожи оғайнимиз меҳмон чакириб, уйига чикканимизда Койнук томонидаги эскидан колма Олтинлик харобаларини, юкорида ёзилган сунар кўлларини кўриб, булардан анчагина тарихий маълумотлар олиб, яхши таъсирланмиш эдим.

“Фасийру фил арзи, фанзару осораллохи”,(Анкабут сурасн, 20-оят) яъни “Ер айланиб саёҳат килинглари, ундаги учраган нарсаларга ибрат кўзи билан караб фойдаланинглари” деган Куръон амрича химматлик илм эгалари, миллатсевар ватан ўгиллари имконият борица ички-ташки, айникса, хорижий мамлакатларни сайр-саёҳат килиб, улардан хар ёклама ибрат олишлари албатта лозимдир. Бошқаларни кўриб уйгонмок,, улардан улгу олиб химматлари кўзгалмок каби ишлар ҳамда инсоният оламида бўлиш имкониятлари бордир. Аммо совет тупрогида яшовчи эрксиз инсонлар бу каби улуг неъматлардан махрум, хеч кимга четга чиқиш рухсат эмас.

Яна бу ўлканингулуг ирмоги хисобланган Или дарёси эса сув кирган кунларида Сирдарё чўнглигича бўлиб, бошка вақтларда ҳам мундан кемасиз ўтиш мумкин эмасдир. Бу сувнинг боши уч оролга бўлинган холда биринчи Текас тоғлари - Гулжанинг жануб томонида, иккинчи Кунас - тўгри шаркда, учинчиси Кош - шарки-шимолида, шу уч орол тоғларидан тўкилган уч ирмок кўшилгач, тўгри гарбга караб оккан холда Или дарёси аталиб, Болхош (Болкоч) кўлига куйилади. Жахонгир Чингиз давридан бошланган давлат эгаларига Или ўлкаси Олмалик шаҳри марказ-пойтахт бўлгани учун у авлод хоконлари даврида бу жойга атрофдан келган Ислом уламолари ҳам оз эмас эди. Айникса, Чигатой баходир ўзи Ислом динига кирмаган бўлса ҳам уни яхши кўрганидан бошқаларга тўскинлик килмай, узок-якиндан келувчи уламоларга хурмат кўрсатмакца эди. Шунингучун “Яхшилар сийланган ерда йигилади” дегандек, атрофдан келган уламоларга Олмалик шаҳри марказ хисобланмиш эди. Гулжанинг гарби-жанубида Хунохой мазор деган кишлок бўлиб, машхур имом Саккокий кабри шу ерда деб англамиш эдим. Бу кишининг вафоти 626 хижрия (милодий 1228 йил) бўлганига кўра, Чигатой баходир даврига тўгри келади. Яна боласогунлик “Сихохи Жавхарий” лугат китобининг эгаси Жамол Карший Олмалик хони саройида илмий хизмат кўрсатиб турганини ўз саёҳатнома

китобида ёзмишдур.

Ялпи Или тупроги эса хар турлик дехкончилик, чорвачилик ишларига тўлиги билан элберишликцур(Кулай, тўгри келадиган (туркча).). Айникса, бугдой экинида энг бўлиги(Энг юкори, энг яхши етишган.) бирга юз йигирма келтирганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Олмалик атрофлари эгизлиги Химолай тоғларидан кейинги Тиёншон, Хонтангри улуг тоғлари билан ўралганликдан дунё бўйича кенглиги жихатидан биринчи аталган Юлдуз, Кундуз, Кунас - унинг узок яйловлари хисобланади. Шу каби Текас, Тўккиз Таров (Тўккизторо), Мукур Жиргаланг (Мукиржиргалон), Кўк Яйлов деган кўрса кўз яйрайдиган ерлар эса Олмалик атрофини ўраган якин тоғ яйловларидир.

Тарихларда “Турк бешиги” аталган Боласогун, Иссиккўл тоғларида Сўнгкўл, Манакелди, Махмал, Сусамир деган яйловлари бўлса ҳам, Олмалик яйловларига кўра торлик-дан, бошка яна сиёсий томонларига кўз солиб, Чингиз авлоди ҳукумат пойтахтларини Жунгория маркази Олмаликда курмиш эдилар.

Бу ўлканинг жўгрофий томони эса шарқдан Гўби чўли, гарбдан Олтин эман тоғлари, жанубдан Тиёншон муз довони, шимолдан Олтой тоғлари билан чекланади. Бунинг сиёсий томони хитой Кухондан бошка турк улусининг биринчи хокони Ўғузхон давридан бошлаб ўн саккизинчи асрга келгунча Туркистон хоконлари шарқдан - Хитой, гарбдан - Турон, Эрон, Багдодгача, шимол, жанубдан -Козон, Булгор, Афғонистон Хиндистон мамлакатларига ҳукмрон эдилар. Ўрта асрлар ўтиб Ёврупода илм-маданият кўтарила бошлагач, Куръон ҳукмича улардан улгу олиб ўрганишимиз лозим эди. Йўк, унга карши хар ёклама илм-маърифатдан ортда колгач, бутун мамлакатларимиз, жаннат мисоллик она Ватанларимизга дини бошка, тили бошка боскинчилар келиб эга бўлди. Ёлгизок ватанимиз, ҳокимиятимиз эмас, қачон халқ тақдири бутунлай коммунистлар кўлига ўтди эрса, эрк-ихтиёрларидан бутунлай ажраган холда бола-чака, балки ўз кора бошига ҳам ҳеч ким эга бўлолмай колди. Энди бунинг бирдан-бир кутулиш чораси эса замонавий илм-фанларни тўлиги билан кўлга келтириб, куролланган сўнгида вақти келар экан, Куръон бошчилиги остидагина мусулмонлар онглик равишда кутилиш ҳаракатини килар эканлар, ана шундагина ўзларини балодан кутказа оладилар. Бундай ишларда эса Куръон кўрсатган йўл - бирлик-иттифокликни яхши сакламокдир. Иккинчи, душманга карши тургандаўлимдан кўркмасликдир, ҳеч бир инсон дунёда абадий яшамайди.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайғуси" китобидан